O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 67 (9.105) * 1998 йил 10 июнь, чоршанба * Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июнь куни туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги олий даражадаги учрашуви ҳамда Қозоғистоннинг янги пойтахти - Остонанинг халқаро тақдимот маросимида иштирок этиш учун Остона шаҳрига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга интервью бериб, жумладан, бундай деди:

- Мазкур анжуман туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг бешинчи учрашувидир. Бундай учрашувлар маданиятларимиз муштараклигини ифода этибгина қолмай, олиб бораётган ишларимизни янада ривожлантиришда ҳам катта кўмак беради.

Шу боис анжуманда ўзаро иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалаларини кенг муҳокама этиш мўлжалланмоқда. Жаҳон бозорига чиқишимиз учун, аввало, коммуникацияни ривожлантиришимиз керак. Бугунги кунда дунёнинг Марказий Осиёга эътибори кучайиб бормоқда. Бу минтақада нефт ва газнинг янгидан-янги конлари очилаётгани ҳам бизни якдилликка чорлайди.

Табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш учун бир-биримиз билан алоқаларни янада яқинлаштиришимиз ва бундан шу заминда яшаётган барча халқлар манфаатдор бўлишини таъминламоғимиз лозим.

Учрашув Қозоғистоннинг янги пойтахти - Остонанинг халқаро тақдимот маросимига уланиб кетади. Бундай тадбирлар ўзбек ва қозоқ халқларининг дўст, қардош ва елкадош эканини яна бир бор намойиш қилади, деб ўйлайман.

Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Файзуллаев, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

### Туркий тилли давлатлар:

## НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

ОСТОНА, 9 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ҳамда халқаро жамоатчиликни Қозоғистоннинг янги пойтахти билан таништириш маросимида иштирок этиш учун Остона шаҳрига келди.

Туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги — бешинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда туркийзабон мамлакатлар ўртасида маданият ва санъат, илм-фан соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Эртага Остона шаҳрида халқаро жамоатчиликни янги пойтахт билан таништириш маросими бўлади. Шу муносабат билан байрамона безанган шаҳарга турли давлатлардан меҳмонлар келмоқда.

(ЎзА).

Саноат

## «КЕЙС» МАДАДКОР БЎЛАДИ

***Бугун ҳар бир туп ниҳолни қалб кўри билан парваришлаётган деҳқон, кўп ўтмай етиштирган мўл ҳосилни йиғиштириб олиш ҳаракатига тушади. Бу йилги йиғим-терим мавсумида уларга пойтахтимиздаги «Ўзкейсмаш» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган горизонтал шпинделли «Кейс» пахта териш машиналари мададкор бўлади.***



Жаҳонга машҳур «Кейс» корпорациясининг пахта териш машиналари ҳосилни тез ва тоза териши билан ажралиб туради ҳамда пахта етиштирувчи кўплаб мамлакатларда ундан унумли фойдаланилади. Шуни эътиборга олган пойтахтимиздаги қўшма корхонада бу йилги йиғим-терим мавсумигача 144 та агрегатни тайёрлаш кўзда тутилган. Йил охиригача эса бу рақам 240 тани ташкил этади.

— Биз ишлаб чиқараётган пахта териш агрегатларининг афзаллик томони шундаки, — дейди йиғувчи-чилангар Дилшод Қосимов, — ҳар бир машина 432 та горизонтал шпинделга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирининг 42 та илгичи бор. Битта машина билан бир кунда 30 тонна ва ундан кўп пахта териш мумкин. Шунингдек, у кечалари ҳам намлик юқори бўлган шароитда ҳосилни бир маромда тера олади. Шунинг учун ҳам у деҳқонлар меҳрини қозонмоқда десак, янглишмаган бўламиз. Ахир деҳқонга ана шундай оғирини енгил қиладиган, етиштирган ҳосилини нес-нобуд қилмай йиғиштириб оладиган замонавий техника зарур-да.

Бу корхонада меҳнат қилаётган 50 нафар мутахассислар хорижий мамлакатларда ўз малакаларини ошириб қайтишди ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳозирда кунига 1 тадан пахта териш машинаси йиғилмоқда. Яқин кунларда эса қўшма корхонада кунига 3 тадан «Кейс»лар йиғиш имконияти туғилади. Чунки бозор иқтисоди шарт-шароитидан келиб чиққан жамоа аҳли машиналар йиғиш билан бирга янги дастгоҳлар ўрнатишга ҳам ҳозирлик кўришмоқда. Чунки ушбу йилдаёқ машиналарнинг кўпгина қисмларини Тошкентда тайёрлашга ҳаракат қилинмоқда. Шунингдек, пахтакорларнинг талаблари асосида тўрт қаторли машиналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам мўлжалланган.



Келаси йилдан бошлаб эса корхонада ишлаб чиқарилган «Кейс» русумли пахта териш агрегатлари нафақат мамлакатимиз пахтакорларининг эҳтиёжини қондиради, балки бошқа хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинади. Чунки қўшма корхона қуввати оширилиб, ишлаб чиқариш ҳажми 5 баробарга оширилиши кўзда тутилган. Янаги йилдан бошлаб йилига 500 тадан машина ишлаб чиқарилади ва мустақил Ўзбекистонимиз «Кейс» русумли пахта териш машиналари экспорт қилувчи мамлакатлар қаторидан ўрин олади. Сифатли машиналар ишлаб чиқараётган корхона аҳлининг бугунги интилишлари, ўз мақсадлари йўлидаги саъй-ҳаракатлари ана шундан далолатдир.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*СУРАТЛАРДА: корхонанинг илғор йиғувчи-чилангари Дилшод Қосимов ўз касбини пухта ўзлаштириб олган; қўшма корхонанинг тайёр маҳсулотлари.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕАЛАР, ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Тафаккур» журналининг 2-сони нашрдан чиқди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг журнал бош муҳаррирининг саволларига жавоблари эълон қилинган. Суҳбатда жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажагимиз билан боғлиқ долзарб масалалар, бугунги кунда замон ўртага қўяётган янги-янги муаммолар ҳақида давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топган.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва Ўзбекистонда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Молия вазирлигида бўлиб ўтган навбатдан ташқари ҳайъат мажлисида Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида молия ходимлари олдида турган вазифалардан келиб чиқадиган масалалар муҳокама этилди.

● Тошкентда мамлакатимиз ҳукуматининг ташаббуси билан Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО) минтақасида халқаро юк ташишни ривожлантиришда ерусти транспорт воситалари соҳасидаги конвенцияларга қўшилишнинг афзалликлари мавзуида халқаро амалий семинар-кенгаш иш бошлади.

● Қашқадарё вилояти Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссиянинг йиғилиши бўлди.

● Фарғона сунъий толалар заводида автомобиль шиналари тайёрлашда муҳим хомашё — «Полиамид-6» ишлаб чиқаришга ихтисослашган улкан қурилма ишга тушди. Германиянинг «Циммер» фирмаси серунум дастгоҳлари билан жиҳозланган мазкур қурилмада ҳар йили 7 минг тонна ана шундай қимматли маҳсулот ишлаб чиқарилади.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга доир қонун ҳужжатлари тўплами билан таништириш маросими бўлди. Бу тўплам ҳар бир тадбиркорга ўз фаолиятини қонун доирасида уюштиришда ёрдам беради.

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

● Иқтисодиёт ● Ижтимоий соҳа ● Маданият

### ЖАҲОНДА

● Кеча Россия Бош вазири Сергей Кириенко икки мамлакат иттифоқи ижроия қўмитасининг мажлисида иштирок этиш учун Белоруссияга келди. Бугун Белоруссия президенти Александр Лукашенконинг Сергей Кириенко билан учрашуви бўлади.

● Озарбайжон президенти Ҳайдар Алиев республика Фанлар академиясига мактуб йўллаб, уни республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайлаганликлари муносабати ила академикларга хушмуомалалик билан миннатдорчилик изҳор этди, бироқ унинг розилигисиз қабул қилинган қарорни ҳеч қачон академик бўлишни ўйламаганлиги боисидан бекор қилишни талаб этди.

● Шу кунларда Германиянинг Польхаем шаҳрида академик ҳаваскор хорларнинг халқаро учинчи фестивали бўлиб ўтмоқда. Унда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг И. Шаропова раҳбарлигидаги жамоаси ҳам иштирок этмоқда.

● Москвада Россия Федерациясининг статистика бўйича давлат қўмитаси бошлиғи Юрий Юрков, унинг биринчи ўринбосари Валерий Завин ва давлат статистика қўмитаси ҳисоблаш маркази директори Борис Саакянлар ҳибсга олинди. Улар йирик фирма ва компанияларнинг маълумотларини мунтазам равишда бузиб кўрсатганлар, натижада уларга солиқларни тўламаслик учун шароит яратиб берганлар.

● Қалмиқистонда республикадаги ягона мухолифат газетасининг бош муҳаррири Лариса Юдина ўлдирилди.

● Футбол бўйича XVI жаҳон чемпионати арафасида Парижда ФИФАнинг 51-конгресси ўтказилди. Унда ФИФАга 24 йил раҳбарлик қилган унинг ҳозирги президенти Жоао Авеланжнинг вориси тўғрисидаги масала ҳал этилди. Жаҳондаги 198 та футбол федерацияларининг вакиллари Жоао Авеланжни ФИФАнинг фахрий президенти этиб сайладилар. Анъанага кўра у ўзининг аввалги вазифасини чемпионат якунлангунча адо этади. ФИФАнинг янги президенти этиб швейцариялик Йозеф Блаттер сайланди.

● Бугун Парижда футбол бўйича XVI жаҳон чемпионатининг тантанали очилиши бўлади. Ана шу ажойиб футбол байрамига бағишланган махсус саҳифа материалларини газетанинг тўртинчи саҳифасида ўқийсиз.

Спорт

## СОВРИНДОРЛАР ҚУТЛАНДИ

***Кейинги пайтларда кўплаб спорт турлари бўйича спортчиларимиз йирик халқаро мусобақаларда салмоқли ютуқларга эришиб, юртимиз довруғини оламга ёйишмоқда.***

**КЕЧА**

«Олимпия шон-шуҳрати» музейида яқинда Вьетнамда бўлиб ўтган волейбол бўйича Осиё чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллаган волейболчи қизларимиз ҳамда Россиянинг Новгород вилоятида самбо бўйича Жаҳон Кубогида муваффақиятли қатнашган курашчи йигитларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Б. Махситов, қўмитанинг масъул ходимлари спортчиларимизни юқори натижалар билан қутлашгач, О. Хўжаева, М. Мартиненколарга халқаро тоифадаги спорт устаси, Е. Жиркова, Н. Валенколарга эса спорт устаси унвонлари берилди. Қолган спортчи қизларимиз ҳамда самбо бўйича жаҳон Кубоги соҳиби ва куррамиз чемпиони Ш. Хўжаев, жаҳон Кубогида 2 ва 3-ўринларни эгаллаган А. Қурбонов ва Ш. Жўраевлар, улар устозларига эса қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбир сўнггида волейболчиларимиз жамоаси Осиё чемпионатида олинган Кубокни «Олимпия шон-шуҳрати» музейига сақлаш учун топширишди.

*Даврон ИСАЕВ.*

Бокс

## ФУРҚАТ ТУРСУНОВНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

***Ўтган шанба куни «Юнусобод» спорт маскани профессионал бокс ишқибозларини ўз бағрига чорлади. Ушбу кун етакчи чарм қўлқоп усталаримизнинг катта маҳорат синовига айланди.***

Дастлаб тўртта рейтинг жанглари бўлиб ўтди. Ёш, умидли боксчимиз У. Сиддиқов энг енгил вазнда биринчи бўлиб рингга чиқди ва тинимсиз ҳужумлари натижасида рақиби — молдавиялик Д. Терзиоглуни гангитиб қўйди. Шу тариқа 4-раундда техник нокаут билан рақиби устидан ғалаба қозонди. 58,9 килограмм вазнда ҳамюртимиз Ф. Арслонов С. Ешмагамбетов (Қозоғистон), 66,7 килограммлилар орасида Ф. Бакиров эса А. Перевозчиков (Россия)ни 6 раундлик жангларда очколар бўйича енгиб, зафар қучишди. 76,2 килограмм вазнда ҳамшаҳримиз Рихсивой Шомирзаев ва Виталий Копитко (Украина)лар ўртасида баҳс жуда шиддатли кечди. Унда украиналик спортчининг қўли баланд келди.

Ва ниҳоят Пан Осиё бокс ассоциациясининг «Интерим титул» махсус камари учун жанг эълон қилинганда ўйингоҳ қарсаклардан ларзага келди. Унда ҳамюртимиз, Германиянинг «Локмита» профессионал клубида шуғулланаётган, шу йилнинг апрель ойида «Трансконтинентал чемпионлиги» унвонини қўлга киритган, ўзининг шиддатли зарбалари учун «Кобра» лақабини олган Фурқат Турсунов 86 килограммлик оғир вазнда профессионал бокс бўйича Россия чемпиони, энг кучлилар ўртасида ўтказилган 16 учрашувнинг 14 тасида ғалаба қозонган Сергей Королев билан ўзаро куч синашди. Рақибини ўз услубига тушира олган Фурқат барча 12 раунд давомида рингда чаққон ва аниқ ҳаракат қилди. Шуни айтиш мумкинки, 6 карра жаҳон чемпиони А. Григоряннинг Ф. Турсуновга секундантлик қилиши боксчимизга катта руҳий далда бўлди. Натижада рақибига бир неча бор аниқ ва кучли зарбалар орқали ҳужум қилиб очколар тўплаган ҳамюртимиз ушбу нуфузли жангда ғалаба қозонди ва «Интерим титул» совринининг соҳиби бўлди.



Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси томонидан ташкил этилган, «Бузтел», «Ўздунробита» қўшма корхоналари ҳомийлик қилган чарм қўлқоп беллашувлари ишқибозлар учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Айниқса, «Камалак ТВ», «Камалак пейжинг» томонидан ташкил этилган лотерея тиражлари орқали кўплаб бокс мухлислари шу куни қимматбаҳо ютуқлар соҳиблари бўлишди.

*Дилмурод ИСЛОМОВ.*

*СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси байроғи ортида «Трансконтинентал чемпиони», «Интерим титул» соҳиби Фурқат Турсунов.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

## ОБУНА — ЙИЛ БЎЙИ



Маълумки, ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар Сиз «Тошкент оқшоми»га ёзилишингиз ва уни шундан кейинги ойдан бошлаб олишингиз мумкин. Демак, «Оқшом»ни шу йилнинг август ойидан олиш иштиёқида бўлсангиз, Сиз унга обунани 10 июлга қадар расмийлаштиришингиз керак.

Яна шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, «Тошкент оқшоми» газетаси чакана савдога жуда ҳам чекланган миқдорда чиқарилади. Унинг обуна нархлари Тошкент шаҳрида яшовчилар учун қуйидагича:

| Абонент кутисига | Уй манзилига |
| --- | --- |
| ● 1 ойга — 129 сўм | ● 1 ойга — 168 сўм |
| ● 3 ойга — 387 сўм | ● 3 ойга — 504 сўм |

**НАШР ИНДЕКСИ — 209.**

Бандлик

# ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ



**Ҳозирги кунда ишсиз билан ишсизликнинг моҳияти нимада эканлигини ҳаммамиз ҳам тўғри тушунамизми? Йўқ, албатта. Чунки бир-икки ой ишламаган одамни дарров ишсизга чиқариб қўя олмайсиз. Сабаби бундай инсонлар бугун бўлмаса эртага иш топади. Айни вақтда мана шундай иш билан банд бўлмаган инсонлар меҳнат биржаларига мурожаат этишади. Биржада ҳар бир мурожаат этган фуқаро учун барча шароитлар яратилган. Айниқса туманларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркасининг самараси жуда яхши бўлиб, унда фақат битта туманнинг эмас, балки бутун шаҳарнинг фуқароси қаерга қандай иш кераклиги хусусида тўлиқ маълумотга эга бўлишади.**

Куни кеча Мирзо Улуғбек тумани меҳнат биржаси ва «Камолот» ёшлар жамғармаси томонидан ташкил этилган меҳнат ярмаркаси алоҳида эътибор билан ўтказилди. Шу куни ярмаркада иштирок этган корхона, ташкилот, фирма, кичик ва хусусий корхоналар, ўқув муассасалари ўзларида ишлаш учун қандай имкониятлар борлиги ҳақидаги маълумотлар билан иштирок этишди.

— Бир кунгина ўтказилган ярмаркамизга 3115 нафар фуқаро мурожаат этди, — дейди биржа раҳбари Имонқул Исроилов. — Бу кўрсаткич ўтган беш ой давомида биржага мурожаат этганларга нисбатан икки-уч ҳисса кўп демакдир. Ярмаркада 115 та корхона, 5 та махсус ўқув юрти, 10 та хусусий ва кичик корхона, 50 та маҳалла ҳамда фирмалар иштирок этди. Улар ўзларида бўш иш ўринлари, вакант лавозимлар ва ишлаш учун яратилган шароитлар ҳақида батафсил маълумот беришди. Иштирокчиларнинг 116 нафари юрист маслаҳатини олиб, 94 нафар фуқаро қайта ўқишга йўлланма олдилар.

Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари билан иштирок этган «Ўзсавдоускуналари» ҳиссадорлик жамияти, «Соҳибабегим» хусусий кичик корхонаси, «Тошйўлқурилиш» тресті, «Махсус энергогаз» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, 9-Оила шифохонаси, «Тошкент лак-бўёқ» заводи, «Дисс» хусусий фирмаси вакиллари ўзларига зарур бўлган мутахассисларни рўйхатга олишиб, шу ернинг ўзида савол-жавоб ўтказиб олишди.

Биз фурсатдан фойдаланиб, ярмаркада иштирок этган республика машинасозлик бўйича касб-ҳунар лицейи ходими, уста — Омонтой Жалабаев билан суҳбатда бўлдик.

— Лицейимизда ўқиш учун барча имкониятлар мавжуд. Ўқиб бўлгач техник-механик, техник-технолог ва бичиш-тикиш устаси бўлиб етишади. Шунингдек ўғил-болалар «Б», «С» тоифасидаги ҳайдовчилик курсида ҳам ўқитилади. Ҳар йили лицейимизда 300—350 нафар талаба айтиб ўтилган соҳаларда малакали мутахассис бўлиб етишади. Уларга 80 нафар ўқитувчи-устозлар билим бериб, мустақил ишлаш даражасигача етказадилар. Шунингдек лицейимизда Амур Темур номли стипендия жорий этилган. Бу стипендия энг яхши ўқиган, намунали хулқ билан бошқаларга ўрнак бўлган талабаларга берилади. Асосий бериладиган стипендия 1375 сўм бўлса, ўртадан юқори ўқийдиган болаларга 1581 сўм, юқори ва аъло даражадагиларга эса 1700 сўм стипендия берилади. Мана шу 1700 сўм стипендияни оладиган ўқувчига қўшимча 500 сўм Амир Темур стипендияси қўшиб берилади.

Меҳнат ярмаркасида иштирок этган кўплаб мактаб битирувчилари лицейга бориш ва ҳунар ўрганиш истагини билдирдилар. Бундан биз жуда хурсандмиз. Шу ўринда айтиб ўтишим керакки, бу йил тузиладиган гуруҳлар сони яна 5-6 тага кўпаяди. Аввалги йилларда 12 та гуруҳ бўлган бўлса, 1998—99 ўқув йиллари учун 18 та гуруҳ тузилади. Шунингдек лицейда ишлаш учун бир нечта мутахассисликда дарс бера оладиган муаллимлар керак, улар ҳисобчи, инглиз тили, химия-биология фанларидан. Бу фанларни кўпайтирганлигимиз сабаби шу куннинг талаби асосидадир.

Навбатдаги суҳбатдошимиз туман «Камолот» ёшлар жамғармаси раиси Искандар Аслонов бўлди.

— Ярмаркада иштирок этганларнинг 70 фоизи ёшларни ташкил этганидан мамнун бўлдик. Чунки ҳамма ёшлар ҳам бугунги бозор шароитида бир жойда муқим ишлашга хоҳиш билдиравермайди. Аммо бизнинг туманда ёшлар нима иш қиламиз деса, имконият бор. Айни вақтда 3400 нафар ёш ўғил-қизлар тумандаги барча соҳаларда меҳнат қилишмоқда. Жамғармамиз қошида 18 та ёшларнинг қурилиш бригадасини тузиб қўйдик. Ҳамда «Камолот «ТИМ» шўъба корхонаси ҳам ишлаб турибди. Ёзги таътил кунлари мана шу ёшлар билан ўзимиз учун ажратилган «Ёшлар боғи» қурилишини амалга оширамиз. Туман ёшларининг бекор юрмасликлари борасида меҳнат биржаси бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Чунки айрим иш билан бандлик ёки бўш иш ўринлари хусусидаги муаммоларни ҳал этишда биржанинг ҳиссаси салмоқлидир.

Корхоналардаги бўш иш ўринлари ёзиб қўйилган рўйхатни ўқиётган қизни суҳбатга тортдик.

— Мен Гули Ўринбоеваман. Ёшим 20 да. Афсуски Мирзо Улуғбек туманида яшамайман. Бўлмаса анчагина яхши ишлар бор экан. Асли касбим ҳамширалик. Қибрайда тураман. Агарда сменали иш бўлганда менга қулай бўлар эди. Мирзо Улуғбек тумани билан Қибрай ўртасида транспорт қатнови яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун қатнашга қийналмасдим. Бу меҳнат ярмаркасида биринчи маротаба қатнашишим. Жуда қизиқарли бўлар экан. Ўзимга иш топмасам ҳам, акамга қўшимча ишлаш мумкинми ёки йўқми деган саволим учун ҳуқуқшуносдан маслаҳат сўраб олдим. Уларга мумкин экан. Меҳнат ярмаркасига келганимдан хурсандман.

Дарҳақиқат меҳнат ярмаркасини ташкил этишдан мақсад ҳам кимдир ўғил-қизига, опа-укасига бўлса ҳам нимадир хабар топади. Туманнинг қаерида қандай корхона ишлаётганидан маълумот олади. Шу ўринда туман меҳнат биржасининг йил бошидан қилган ишлари тўғрисида тўхталмоқчимиз.

Йил бошидан бери 400 нафар фуқаро биржага мурожаат этган. 89 нафари иш билан банд эмас статусини олган. 14 нафар фуқаро мавсумий ишга, 89 таси эса қайта ўқишга юборилди. 24 нафар фуқаро муддатидан илгари нафақага чиқарилган. 80 та киши ишсиз нафақасини олмоқда. Мана шу рақамлардан ҳам бир кунлик меҳнат ярмаркасининг нечоғли самарали эканлиги кўриниб турибди.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*

*СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманида ўтказилган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркасидан лавҳалар.*




*Рашид Галиев олган суратлар.*

Тадбирлар

# ФАРҒОНИЙГА БАҒИШЛАНДИ

**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишлаб республика олимпиадасининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда барча саралашлардан ўтган пойтахт ва вилоятларнинг 31 олий ўқув юртларидан келган, 152 командага бирлашган 500 га яқин талаба иштирок этди.**

Бу йилги беллашувлар талабаларнинг совринли ўринлари учунгина бўлиб қолмасдан, балки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи асосида олий ўқув юртлари командалари орасидаги мусобақага ҳам айланди. Мусобақаларга бундай ёндошиш биринчи босқичда олий ўқув юртларидаги саралашларда командаларга иқтидорли ёшларни мумкин қадар кўпроқ жалб қилиш каби манфаатдорлик ҳисобга олинган эди.

Беллашувлар якунида 33 талаба совринли ўринларни эгаллагани аниқланди. Ишларни текшириш натижалари олимпиадада ўтказилган барча фанлардан шахсий биринчиликда Тошкент Давлат техника университети талабалари совринли биринчи ўринни эгалладилар. Командалар орасида ўзаро мусобақада ҳам 9 фандан техника университети биринчи ўринни эгаллади. Вилоят олий ўқув юртларидан келган талабаларнинг шахсий ва командалар мусобақаларида совриндор ўринларни эгаллаганликлари эътиборга лойиқдир.

Олимпиада якунида ректор, академик Т. М. Миркомилов техника университети номидан совринли ўринни эгаллаган талабаларга, командаларга фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғаларини топширди.

Яқин кунларда республика талабалар олимпиадаси ҳақидаги Низомга мувофиқ совриндор ўринлар ҳисобланган 1, 2, 3-ўринларни олган талабаларга республика олий ўқув юртларининг илмий кенгашларида тантанали равишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг биринчи, иккинчи, учинчи даражали дипломлари ва пул мукофотлари топширилади. Низомда ғолиб талабалар учун ўзи эгаллаган мутахассислик бўйича Ўзбекистон Республикасидаги етакчи олий ўқув юртларида, хорижий мамлакатларда ўқишни давом эттириш ва бошқа қатор имтиёзлар ҳам кўрсатилган.

*Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.*

Ҳамшаҳарларимиз

# ШОГИРДЛАРИ ФАХРЛАНАДИ

**Тошкент халқаро кинофестивалида ёки чет элликлар билан ўтказилган ҳар қандай тадбирда таржимонлар гуруҳининг фаол ишлаётганининг гувоҳи бўламиз. Ҳеч бир қоғозга қарамасдан меҳмоннинг ҳар бир сўзини ўзбек тилига ўгираётган таржимоннинг маҳоратига тан берасан киши. Бу кишини менга Аббос Ирисқулов деб таништиришди. Аббос ака билан Республика тил таълими марказида учрашдик.**

— Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда тилчи бўламан деб ўйлаб ҳам кўрганман, — деди суҳбатдошим кулиб. — Чунки ўша вақтда мусиқа мактабида ҳам таълим олардим. Ўрта ва мусиқа мактабларини тугатгач 1957 йили Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили факультетига ўқишга кирдим. Бора-бора тил ўрганишга бўлган меҳрим жуда кучайди. Институтни 1962 йилда имтиёзли тугаллаб таржимонлик соҳасида ишлашга юборилдим. У ердан 1964 йилда қайтиб, қадрдон институтимда инглиз тилидан дарс бера бошладим. 1966 йилга келиб Москва давлат чет тиллар институтига тажриба ошириш — тадқиқотчиликка йўлланма олдим. 1968 йилда ўша ерда аспирантурага кириб, 1971 йилда ўзбек-инглиз тиллари қиёсий грамматикасидан диссертация ёқладим. Шундай қилиб 1971 йилдан то 1991 йилгача Тошкент



давлат чет тиллар педагогика институтида катта ўқитувчи, доцент, декан ўринбосари, проректор вазифаларида ишладим. Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан очилган Республика тил таълими марказида 1991 йилнинг октябрь ойидан бошлаб директор лавозимида ишлаб келмоқдаман.

Суҳбатимизга Аббос аканинг ҳамкасби, инглиз тили катта ўқитувчиси Лидия Кузнецова қўшилди.

— Аббос Турсунович жуда камтарин инсон. Шунинг учун ҳам кўп қилган ишларини айтиб ўтганлари йўқ. Мана мисол учун «Тилшуносликка кириш», «Ўзбек ва инглиз тили ва амалиёти» инглиз тилидаги ўқув қўлланмалар, «Инглизча-русча-ўзбекча сўзлашгич» ва яна бир қанча илмий мақолаларнинг муаллифидир. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон учун биринчи ёзилган «Вард-Вайз» инглиз тили дарслигининг маслаҳатчиси ҳамдир. Кейинги икки-уч йилда амалга оширилган катта ишлари ҳақида тўхталадиган бўлсам Бухоро ва Хива шаҳарлари юбилейлари муносабати билан ёзилган китобларни инглиз тилига ағдаришда бош таржимон ва бош муҳаррирлик қилганлар.

Аббос ака тил ўрганиш ва ўргатиш борасида хоҳ Ўзбекистонда, хоҳ хорижий мамлакатларда ўтказилган Олий таълим ва тилшуносликка бағишланган илмий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этади. Хусусан 1989 ва 1993 йилларда АҚШда ўтказилган олий таълим муаммоларига бағишланган анжуманлар ёки 1996 йилдаги Словакияда бўлган «Инглиз тилини ўргатишнинг замонавий услублари» ҳақидаги анжуманда иштирок этгани фикримиз далилидир.

Аббос Турсунович изланувчан инсон. Шунинг учун ҳам ўз фарзандлари, набираларига, қолаверса ҳаммамизга барча хорижий тилларни ўрганишни маслаҳат қиладилар. Шу билан бир қаторда Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш борасида республикамизга зарур бўлган: ўзбек тилига асосланган ўқув қўлланмалар яратишда фаол иштирок этмоқда. Хусусан «Инглизча-русча-ўзбекча» ва «Ўзбекча-инглизча-русча» халқаро ташкилотлар справочниги ҳамда «Инглиз-ўзбек» ва «Ўзбек-инглиз»тили луғатлари устида ҳамкасблари билан олиб борилаётган ишлар, ўз ниҳоясига етиб қолган «Инглиз тилидан замонавий тестлар тўплами» шулар жумласидандир.

Аббос Турсунович дарсликлар ва қўлланмалар яратиш билан бир қаторда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижлик илмга чанқоқ инсонлар билан ҳам ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Республика тил таълими марказидан жой олган «CAFE « — «Марказий Осиёга беғараз ёрдам» корпорациясининг Ўзбекистон бўлими вице-президенти Фил Хортон ўз фикрини шундай баён этди:

— Биз Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ишлаш учун кўп жойларда бўлдик. 1991 йилда Аббос Турсунович билан танишганимиздан сўнг, анчагина муаммоларимиз ечимини топди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Аббос аканинг маслаҳатлари туфайли Ўзбекистонда тил ўргатишни ривожлантириш мақсадидаги ишимиз кучга кирди. Республика тил таълими маркази қошида Англия ва Америкада инглиз тилида чоп этилган китоблардан 9 мингтасини олиб келиб, кутубхона очдик. Бу кутубхонанинг 2 мингта аъзоси бор. Шунингдек, ўтган йилдан бошлаб компьютер маркази ҳам иш бошлади. У ерда ҳам ўқиш инглиз тилида олиб борилади. Олти йилдан буён қандай ишга қўл урмайлик энг яқин дўстимиз Аббос Турсуновичнинг маслаҳатига суянамиз. Бизга у кишининг ёрдами жуда катта бўлмоқда.

Аббос ака ўтган йиллар давомида жуда кўп шогирдлар тайёрлади. Уларнинг айримлари айни вақтда ўзлари билан меҳнат қилмоқда, айримлари ўқитувчи, таржимон бўлиб ишлашаётир. Ҳам ўқитувчи, ҳам таржимон Эътибор Шукурова устози ҳақида шундай дейди:

— Аббос Турсуновични 1974 йилдан, унда Тошкент давлат чет тиллари педагогика институтининг 3-курсида ўқир эдим, ўша вақтдан бери биламан. Мен ва бошқа курсдошларим Аббос аканинг «Қиёсий грамматика» фанидан ўқиган маърузасини мириқиб тинглар эдик.

У кишининг талабаларни ўзига жалб этиш қобилияти бор эди. Инглиз тилида бошқалар билан уялиб, қимтиниб гаплашсак, Аббос ака билан ҳеч тортинмай гаплаша олардик. Уларнинг талабчанлиги ва илмдаги қаттиққўллиги кўп ёрдам берди.

1990 йилдан бошлаб Республика тил таълими марказида инглиз тилини ўргатувчи 10 ойлик курсида ишлаяпман.

Шу билан бир қаторда Аббос ака раҳбарлигида ёзма ва оғзаки таржима ишларида иштирок этаяпман.

«Темурийлар сулоласи» ҳамда «Бухоро, Хива-2500 йил» китобидаги «Хива» қисмини рус тилидан инглиз тилига ўгиришга муваффақ бўлдим. Албатта устозимнинг ёрдами туфайли. У кишининг гапнинг стилистик тузилмасига алоҳида аҳамият беришлари, мени ва бошқа таржимонларни ўз устида кўпроқ ишлашга, бошқаларга нисбатан ҳам талабчан бўлишга ундайди. Шундай инсоннинг шогирди бўлганимдан фахрланаман...

*Гулзода АБДУЛЛА қизи, «Тошкент оқшоми» мухбири.*

*СУРАТДА: Аббос Ирисқулов хорижлик дўстлари даврасида (чапдан учинчи).*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

Солиқ

# КАССА БИЛАН КИССАНИ АДАШТИРМАНГ

**Йўловчи ташиш транспортида йўл ҳақи нега бунчалик тез кўтарилиб бораяпти, деб сўрасангиз ҳайдовчилар ҳам, автокорхона раҳбарлари ҳам бир талай баҳоналарни қалаштириб ташлашади.**

— Агар йўловчилардан йиғилган йўл ҳақи «адашмай» тўғри давлат хазинасига тушса, корхона муаммоларини чипта пулини оширмай туриб ҳал этиш имкони бўларди-да, — дейсиз сиз ҳам бўш келмай.

— Йўл ҳақи ҳеч қачон «адашмаган», қанча йиғилса ҳаммаси тийин-тийинигача давлат ғазнасига тушади, — деб яна сизни енгмоқчи бўлишади транспортчилар...

Шундан кейин уларнинг гапи қанчалик ростлигини текширишга тушасиз. Ёрдамга солиқчиларни чақирасиз. Улар Тошкент шаҳридаги 22 та йўналиш бўйлаб қатнаётган автобусларни кўздан кечириб чиқишганда қўша-қўша камчиликлар намоён бўлаверди.

Солиқчилар 31-йўналишда қатновчи 7-автокорхонага қарашли давлат белгиси 29—25 ТНП бўлган автобусни текширганларида ҳайдовчи А. Каримов йўловчиларга чипта бермай фақат пул йиғиш билан овора эканлиги маълум бўлди. 245 дона, яъни 2450 сўмлик чипталар йўловчиларга тарқатилмабди. Бунинг устига радио-микрофон ишламасди, ўриндиқларнинг чарм ғилофлари аллақачон яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Шундай аҳволда йўловчиларга хизмат кўрсатилаётган экан. Мана сизга хизмат маданияти!

Шу автокорхонага қарашли 29—23 ТНП давлат белгили яна бир автобус 69-йўналиш бўйлаб қатнарди. Ҳайдовчи Б. Қодиров текширув ўтказилган куни олдинига солиқчиларни назар-писанд қилмай турди. Кассасидан 430 сўм ортиқча пул чиққанидан кейингина оёғи куйган товуқдек питирлаб қолди. Бунинг устига автобусда одамлардан йўл ҳақи йиғиб юрган аёл ҳам кондуктор эмас, ҳайдовчининг таниши бўлиб чиқди. У ҳеч қандай ҳужжатни кўрсата олмади. Одатда бундай танишларни ҳар бир автобус, трамвай ва троллейбусда кўриш мумкин. Улар чиптасиз йиғилган даста-даста пулни давлат ғазнасига топширадиларми ёки йўқми билмадик. Лекин тушган тушумнинг бир қисмини ҳайдовчи билан бўлашиб олишлари аниққа ўхшайди. Бўлмаса кун бўйи «Йўл ҳақи эсдан чиқмасин» деб одамлар орасида туртиниб-суртиниб юриш кимга ёқади, дейсиз.

Солиқчилар 7-автокорхонага қарашли яна бир автобусни текширувдан ўтказганларида кассада 1140 сўм камомад борлигини пайқаб қолдилар. 31-йўналиш бўйлаб қатновчи 29—20 ТНП давлат белгили бу автобус ҳайдовчиси М. Усмонов ўзини уёқ-бу ёққа ташлаб кўрди-бўлмади. Кейин камомадни жойига қўйиб қўйишга мажбур бўлди.

Кун давомида солиқчилар 72, 80, 110, 132-йўналишлар бўйлаб қатновчи автобуслар кассасидаги тушумларни ҳам текширувдан ўтказдилар. Шунда 5-автокорхонага қарашли 52—33 ТНП давлат белгили автобус ҳайдовчиси А. Турдибоевдан 635 сўм, 2-автокорхонага қарашли 35—14 ТНП давлат белгили автобус ҳайдовчиси Ш. Норхўжаевдан 443 сўм ортиқча пул чиқди. Умуман 8 ҳолатда автобуслар киссасидан чиққан ортиқча пуллар 6, 7 минг сўмни ташкил этди. 7,3 минг сўмлик чипталар йўловчиларга тарқатилмабди. Бу ҳол Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги 230, 19 августдаги 291-сонли қарорларига мутлақо зиддир.

Текширув натижалари бўйича тўпланган барча ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза этиш органларига юборилди. «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасига қарашли автокорхоналар раҳбарлари бундан тегишлича хулосалар чиқариб олдилар ва молиявий интизомни мустаҳкамлаш чораларини кўрадилар, деган умиддамиз.

# ИЧИ ҚАЛТИРОҚ ЭКАН

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг онкология ва радиология институтига ташқаридан қарасангиз бинойидек кўринишга эга. Лекин ичкарига кирсангиз...**

Солиқчилар Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги «Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори институтда қандай бажарилаётганлигини текшириб юриб кўпгина нохуш манзараларга дуч келдилар.

Текширув омборхонадан бошланди. Бу ердаги мавжуд озиқ-овқат маҳсулотлари қайта ҳисоб-китоб қилинганда салкам 28 минг сўмлик камомад борлиги аниқланди. Кейин суриштириб билсак, омбор мудири Раҳматилла Юсупов беморларнинг насибасига шерик бўлган экан. Солиқчиларнинг зўри билан омбор мудири ўзи ташмалаб кетган маҳсулотлар ҳақини пулга чақиб кассага топширишга мажбур бўлди.

Текширув давомида маҳсулотлар сақлаш қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги маълум бўлди. Картошкалар оқава сув тармоқлари остида қолиб кетибди. Пиёзлар ҳидланиб истеъмолга яроқсиз ҳолга келибди. Теварак атроф антисанитария ҳолатда. Ун ва гуручларни нам босган...

Ошхонанинг ҳолати ҳам бундан қолишмасди. Идиш-товоқлар ювиладиган жой санитария талабларига жавоб бермайди. Ошхонада ҳаво айланмайди, чунки шамоллатгич қурилмаси ишламайди. Музлатгичлар бузуқ. Ёғнинг тутунига ва овқатнинг буғига шиплар қорайиб кетибди. Кранлардан сув тўхтамай оқиб ётибди. Ошхона тубдан таъмирлашга муҳтож.

Хўжалик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган жойда молиявий аҳвол қандай экан? Солиқчилар шу савол билан бухгалтерия томон юрдилар. Кассир Л. А. Сацкова тузган ҳисобот бўйича қолдиқ нақд пуллар 87 минг 327 сўм 50 тийин бўлиши керак эди. Амалда эса кассадан 217 минг 879 сўм пул чиқди, яъни 130 минг 551 сўм 50 тийин ортиқча эди.

Шунча пул қаердан келиб қолди? Солиқчилар пулни қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби билан танишганларида касса интизоми қўпол равишда бузилганлигининг гувоҳи бўлдилар.

Кассада 34 дона кирим ордери бор эди. Лекин улар белгиланган шаклда расмийлаштирилмаган эди: тартиб рақами йўқ, бош бухгалтер имзоламаган, касса ҳисоботига киритилмаган. Кирим ордерларининг умумий миқдори 101 минг 800 сўмни ташкил этарди. Улар республикамиз ташқарисидан келувчи беморларга пулли хизмат кўрсатиш учун тўлдирилар экан.

— Пулли хизмат кўрсатишга рухсат берувчи расмий ҳужжат борми? — сўрашди солиқчилар бухгалтерия ходимларидан.

Афсуски, ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди. Шу боисдан ҳам республикамиз ташқарисидан шифо истаб келган кишилардан йиғилган пуллар давлат банкига топширилмай ойлаб кассирнинг темир сандиғида тахланиб тураверар, кейинчалик эса имижимида ўз жойини топиб кетаверар экан. Бу билан Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги 230-қарори талаблари қўпол равишда бузилаяпти.

Беморлардан йиғилган овқат пулини вақтида давлат банкига топширмай шифохона кассасида сақлаш ҳолатлари Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонасида ҳам кўзга ташланди. Шифохонада овқат учун тарқатилган талонлар ва йиғилган нақд пуллар қайд этиладиган 7 та журнал тутилган. Журналлар рақамланган ва тикилган бўлса ҳам лекин муҳрланмаган.

Катта бухгалтер А. Бекмуҳамедова майнинг дастлабки ўн уч куни давомида шифохонанинг марказий кассасига беморлардан йиғилган 253 минг 620 сўмлик овқат пулини топширган. Лекин катта кассир Б. Эгамбердиев шундан 170 минг 100 сўмини ўз вақтида давлат банкига топширган холос.

Шундай ҳолат Шайхонтоҳур туманидаги 4-болалар юқумли касалликлар шифохонасида, шаҳар кардиоревматология марказида ҳам учраб турибди. Мазкур шифохоналар томонидан ўз вақтида банкка топширилмаган овқат пуллари 79 минг 640 сўмни ташкил этибди. Бу ҳолат ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги «Нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 230-сонли қарори талабларига мутлақо зиддир. Солиқчилар аниқлаган камчиликлар туман соғлиқни сақлаш бўлимлари учун жиддий муҳокама мавзуси бўла олади.

*Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.*

Фан

# САМАРАЛИ ИЛМИЙ САФАРЛАР

**Олий ўқув юртининг қатор истеъдодли тадқиқотчилари учун ҳам илмий изланишларни олиб боришлари учун катта маблағлар ажратилмоқда. Мирзо Улуғбек номли Тошкент давлат университетининг фалсафа факультети доценти Р. Назаров ҳам бундай имкониятга эга бўлди.**

— Гап шундаки, — дейди олий ўқув юрти ректорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Шавкат Отажонов, — ўтган йили чет эл грантини қўлга киритиш учун халқаро танлов ўтказилган эди. Доцент Р. Назаров бу жиддий илмий беллашувда ғолиб деб топилди. Уфа шаҳрида уюштирилган этнограф ва антропологларнинг иккинчи халқаро конгресси ўзбек олими учун айниқса фойдали бўлди.

Навбатдаги илмий сафарни у Ярославль шаҳрида ўтказди. Бу ерда уюштирилган ижтимоий фанлар услубияти бўйича машғулотлар ёзги университет сабоқлари анжумани сифатида ташкил этилди. Марказий Осиё маданияти услубияти ва тарихи бўйича Қозоғистонда ўтказилган ёзги университет машғулотларига ҳам доцент таклиф қилинди. Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларига қилинган илмий сафарлардаги анжуманлар «Ўзбекистонда миллий-маданий жараёнлар: сиёсий бошқарув ва режалаштириш» деган мавзуга бағишланди.

*Акбар АЛИЕВ.*

# БУГУН ФРАНЦИЯДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА XVI ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ БОШЛАНАДИ

FRANCE 98

**Жаҳон футбол ривожининг кейинги тўрт йилини белгилайдиган, янги тактик усуллар намойиш этиладиган, энг ёруғ юлдузлар чақнайдиган навбатдаги чемпионатдан ишқибозларнинг умиди катта. Чемпионликка номзодлар эса кўп: тўрт карра жаҳон чемпиони Бразилия, уч марта жаҳон чемпионлари Германия ва Италия, икки марта жаҳон тожининг соҳиби бўлган Аргентина терма жамоалари бу борада энг кўп имкониятларга эгадир. Қуйидаги мақолалар туркуми орқали Сиз, азиз муштарийлар чемпионатга кўрилган тайёргарлик, унинг кўлами, Ўзбекистон «ойнаи жаҳони» дастурларида кўрсатиладиган ўйинлар тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлишингиз мумкин.**



*Футбол — мардлар ўйини.*

## ҲАЯЖОНГА ТЎЛА ДАМЛАР

Шундай қилиб спорт қироли ҳисобланмиш футбол бўйича асримиздаги энг охирги жаҳон чемпионати бошланди ва 33 кун давомида Франциянинг Сен-Дени, Монпелье, Тулуза, Бордо, Ленс, Марсель, Лион, Нант, Сент-Этьен, Париж каби ўнта шаҳарларида 64 та бири-биридан қизиқ, шиддатли ва ҳаяжонли ўйинлар бўлиб ўтади.

Шуни таъкидлаш керакки, XVI жаҳон чемпионати баҳслари ушбу нуфузли мусобақалар тарихида энг аҳамиятли, энг кўп жамоалар иштирок этадиган, таркибан кучли биринчилик бўлади: унда бир ярим йил ичида 168 та мамлакат терма жамоалари ўртасида ўтказилган кўп босқичли саралаш мусобақаларининг ғолиблари бўлмиш 32 та жамоа ўзаро куч синашади.

Жаҳон Кубоги турнирига Францияда XX аср охирларидаги энг йирик миллий воқеа сифатида қарашмоқда. Ўнта замонавий ўйингоҳ 2,5 миллионга яқин ишқибозларни кутмоқда, шулардан 800000 нафари хорижлик футбол мухлислари бўлади.

Албатта, ушбу оламшумул тадбирни ташкил этиш учун улкан сайъ-ҳаракатлар амалга оширилди ва катта сарф-харажатлар бўлди. Хусусан, жаҳон Кубогини қабул қилиш юзасидан 8,5 миллиард франк (1,4 миллиард доллар) ҳажмида давлат ва хусусий инвестициялар сарфланди. Чемпионатга тайёргарлик эса бундан 9 йил аввал бошланганди — Франция футбол ассоциацияси мамлакат президенти Ф. Миттераннинг қўллаб-қувватлаши остида ташкилий қўмита тузди ва у икки йилдан сўнг ФИФАга Франция номзодини асосланган ҳолда тақдим этди. Танловнинг охирги босқичида Франция Марокаш билан беллашди ва охир-оқибатда 1992 йилнинг 2 июлида Франция лойиҳаси қабул қилиниб, расмий равишда жаҳон чемпионатини ўтказадиган бўлди.

Дарҳақиқат, шу ўтган вақт ичида чемпионатга тайёргарлик юзасидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда чемпионатни ўтказиш ташкилий қўмитаси Сена дарёси бўйидаги улкан бинонинг бир неча қаватини эгаллаган ва жаҳон Кубоги ўйинлари бўлиб ўтадиган ҳар бир шаҳарда ўз вакилликларига эга. Қўмитанинг бюджети эса 2,5 миллиард франк (416 миллион доллар)ни ташкил этади. Мусобақалар ўтадиган пайтда қўмита ходимларига 12000 кўнгиллилар беҳоли қудрат ўз кўмагини беради.

Чемпионатни ўтказиш лойиҳасини татбиқ этиш учун вазирликлараро гуруҳ тузилди. Ва чемпионатга тайёргарлик давомида метро ҳамда темир йўлларининг янги йўналишлари ташкил этилди, барча ўйингоҳлар қайта қурилди ва кенгайтирилди. Жаҳон чемпионатига мўлжалланган энг катта қурилиш эса Парижга кириш дарвозаси ҳисобланмиш (пойтахтдан атиги 2 километр нарида жойлашган) Сен-Дени шаҳарчасидаги 80000 ишқибозга мўлжалланган, француз меъморларининг шон-шавкати, фахри ҳисобланмиш Франциядаги энг катта ўйингоҳ бўлди. Ушбу олимпия ўйингоҳининг қурилиши 1993 йилда бошланиб, 1998 йил бошларида у фойдаланишга топширилди.

Уни халқаро футбол федерацияси президенти Жоан Авеланж «Бу жаҳондаги энг ажойиб ўйингоҳдир», дея бежиз таърифламаган. Қурилиш ишлари давом этган 30 ой ичида ушбу бетимсол иншоотнинг 40000 га яқин чизмалари чизилди. Энг муҳими, баландлиги 45 метр бўлган ўйингоҳ анъанавий фойдаланиладиган бетон эмас, балки пўлат конструкцияларидан бунёд этилди.

Албатта, кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, чемпион бўлиш учун Бразилиянинг имконияти юқори бўлса-да, французлар ҳам катта орзу-умидлар, саъй-ҳаракатлар билан улкан футбол байрамини ўтказишмоқда ва табиийки, таркибида Ю. Жоркаеф, З. Зидан, Д. Дашан, К. Карембо каби футбол юлдузларига эга Франция терма жамоаси ҳам зўр масъулиятни зиммаларига юклаган ҳолда ғалаба сари интилмоқда. Италия, Германия, Аргентина жамоаларида ҳам ғолиблик учун бутун куч-маҳорату имкониятлар етарли. Ким чемпион бўлишини эса вақт кўрсатади.

***Асримизнинг охирги жаҳон чемпионатида кўплаб янги футбол юлдузларининг ёрқин чақнаши билан бирга Франциянинг телекоммуникация соҳасидаги ютуқларининг намойиши билан ҳам яқиндан танишамиз. Зеро, Франция бир ой давомида бутун жаҳон аҳлининг диққат марказида бўлади. Футбол тарихида илк бор ўйинлар рақамли тизим ёрдамида кўрсатилади.***

## ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ НАМОЁН БЎЛАДИ

10 июнь — 12 июль кунлари курраи заминдаги 37 миллиард телетомошабинлар энг оммабоп ва машҳур спорт тури — футбол бўйича XVI жаҳон чемпионатининг кескин ва шиддатли беллашувларини мириқиб томоша қилишади. Бу ўзига хос рекорд кўрсаткичидир. Зеро, 1994 йилда АҚШда бўлиб ўтган чемпионат баҳсларини 31,7 миллиард ишқибозлар ойнаи жаҳон орқали кузатишган эди.

Чемпионат ўйинларини ёритиш мақсадида Франция энг охирги техника ютуқларидан фойдаланади. Ўйинлар ўтказиладиган стадионларга 15000 та Минитель телефон аппаратлари ва терминаллари, 1800 та радиотелефонлар, 1800 та электрон почта терминаллари, кабель телевидениеси учун 9000 та уланмалар, ўзига юздан ортиқ маҳаллий ахборот тармоқларини бирлаштирувчи маълумотларни узатиш тизимлари 2000 та терминалларни улайди.

Чемпионат ўйинлари пайтида махсус матбуот агентлиги ташкил этилади ва у жумладан, мультимедиа воситалари ёрдамида ўйинлар тўғрисидаги барча маълумотларни йиғади, тасдиқлайди ва тарқатади. Ва унинг хизматларидан нафақат журналистлар, балки барча футбол ишқибозлари бемалол фойдаланишлари мумкин бўлади.

Жаҳон чемпионатини ёритиш учун 180 та телевизион компаниялар ҳамда 130 та француз ва хорижий радиостанцияларнинг 4500 та махсус мухбирлари, шунингдек турли-туман нашрларнинг 4500 та қалам соҳиблари ташриф буюради.

Чемпионатлар тарихида илк бор барча оммавий ахборот воситалари энг мақбул иш шароитларини ташкил этиш мақсадида ягона марказга тўпланади. У радио ва телевидениенинг халқаро маркази (СИРТВ) дея номланиб, Париждаги Порт-де Версай ёнидаги кўргазмалар мажмуасига жойлашади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, халқаро спорт мусобақалари тарихида илк бор чемпионат ўйинларини намойиш этиш мақсадида фақат рақамли телевидение воситалари қўлланилади. Зеро, ўйингоҳлар атрофида ўрнатилган камералар, кўчма операторлик станциялари ва СИРТВ нинг бутун асбоб-анжомлари рақамли тизимга асосланади. «Франс Телеком» билан ҳамкорликнинг меваси ўлароқ ана шундай техникавий ютуққа эришилди.

Чемпионат ўйинлари бўлиб ўтадиган ҳар бир ўйингоҳга камида 17 тадан рақамли узатиш камералари ўрнатилади. Зарурат туғилганда эса уларнинг сони ҳар бир ўйин иштирокчиси бўлмиш мамлакат телевидениеси қўшимча камераларининг ҳисобига кўпайтирилади. 100 фоизлик рақамли тасвирга ўтилиши муносабати билан ТПС рақамли дастурлар мажмуаси (йўлдош телевидениеси) бутун жаҳон телевидениеси ва радио эшиттиришлари учун ахборот манбаи бўлмиш ТВРС-98 томонидан таклиф этилган халқаро сигналга қўшимча равишда 16/9 шаклдаги камералардан фойдаланиши мумкин. «Суперфут-98» деб номланган 16/9 ТПС канали эса йўлдош телевидениенинг барча абонентларига бепул таклиф этилади.

«Франс Телеком» компаниясига товуш, тасвир ва маълумотларни узатишни ҳам қўшиб ҳисоблаганда телекоммуникацияларнинг бутун тармоғи топширилган. Ушбу компания ўзига топширилган вазифанинг нақадар масъулиятли ва кенг кўламли эканлигини тўғри тушунди.

— «Франс Телеком» компанияси учун жаҳон чемпионати ўз муваффақиятларини кўрсатиш ва ўзи учун янги тижорат вазифасини ҳал этиш-телекоммуникациялар сектори рақобат учун очилаётган бир пайтда жаҳондаги энг етакчи компаниялардан бири нуфузига эришиш учун ажойиб имкониятдир, — дейди унинг вакили Брюно Жане.



*Чарм тўп усталаримиз халқаро ўйинларда ҳам маҳорат билан беллашмоқдалар.*

***Футбол бўйича XVI жаҳон чемпионати ўйинларининг Ўзбекистон телевидениеси орқали қай йўсинда намойиш этиб борилиши барча футбол ишқибозларини қизиқтириши турган гап. Албатта, биз ҳам ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон телевидениеси спорт кўрсатувлар таҳририятининг бош муҳаррири Азим Алимовдан шулар тўғрисида гапириб беришни сўрадик.***

## «ДИҚҚАТ, ФРАНЦИЯДАН КЎРСАТАМИЗ»

**— Азим ака, Францияда ўтказилаётган XVI жаҳон чемпионати ўйинларини бевосита Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилаётганлигини эшитиб, ўйлайманки, барча футбол мухлислари қувонган. Ана шу дастурлар қай тартибда ёритилади ва муҳлисларимиз қайси вақтларда ушбу ўйинларни кўришлари мумкин?**

— Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати ўйинларини телевидение орқали намойиш этиш дастури қабул қилингандан буён таҳририятимиз ходимлари бу борада бир қанча ишларни амалга оширди. Жумладан, ўша дастурлар асосида махсус кўрсатувлар ҳам тайёрланмоқда. Шунингдек, мазкур 64 та ўйинни биринчи дастур орқали соат 23.40 ёки 14.05 ларда, иккинчи дастур орқали соат 01.00 да, учинчи дастур орқали соат 20.40 ёки 23.45 ларда, тўртинчи дастур орқали эса соат 21.30 да кўришлари мумкин. Албатта, баъзи учрашувлар биринчи дастур орқали соат 14.05 да такроран намойиш этилиши ҳам мумкин. Тўғридан-тўғри берилаётган кўрсатувларимиз эса фақат иккинчи дастур орқали намойиш этилади. Табиийки, ўйинларни намойиш этиш жараёнида кўрсатув вақти ҳам ўзгариб туриши мумкин. Нима бўлганда ҳам биз телевидение ходимлари ушбу чемпионатни кўнгилдагидек ёритиш учун барча имкониятларни ишга соламиз ва албатта футбол ишқибозларини хурсанд қиламиз.



*Футболда фақатгина қаттиқ зарба билан тўп тепиш эмас, балки вазиятни чуқурроқ англаб етишлик ҳам муҳимдир. Алқисса, дарвозабон буни бошқа ўйинчилардан кўра кўпроқ идрок этиб, имконияти қадар ўйинчиларни бошқаришга ҳаракат қилади. Мана бу вазиятда ҳам дарвозабоннинг ички сезгиси-ю, юксак маҳорати жамоани голдан сақлаб қолди.*

## ИШТИРОКЧИЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ

**«А» гуруҳи**

1). Бразилия — 15 та жаҳон чемпионати қатнашчиси, 4 карра жаҳон чемпиони.

2). Марокаш — 3 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

3). Шотландия — 7 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

4). Норвегия — 2 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

**«В» гуруҳи**

1). Италия — 13 та жаҳон чемпионати қатнашчиси, 3 карра жаҳон чемпиони.

2). Чили — 6 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

3). Камерун — 3 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

4). Австрия — 6 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

**«С» гуруҳи**

1). Франция — 9 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

2). Жанубий Африка Республикаси — жаҳон чемпионатларида қатнашмаган.

3). Саудия Арабистони — 1 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

4). Дания — 1 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

**«Д» гуруҳи**

1). Испания — 9 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

2). Нигерия — 1 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

3). Парагвай — 4 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

4). Болгария — 3 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

**«Е» гуруҳи**

1). Голландия — 5 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

2). Бельгия — 9 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

3). Жанубий Корея — 4 та жаҳон чемпионати қатнашчиси .

4). Мексика — 10 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

**«F» гуруҳи**

1). Германия — 14 та жаҳон чемпионати қатнашчиси. 3 карра жаҳон чемпиони.

2). АҚШ — 5 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

3). Югославия — 8 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

4). Эрон — 1 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

**«С» гуруҳи**

1). Румыния — 6 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

2). Колумбия — 3 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

3). Англия — 9 та жаҳон чемпионати қатнашчиси, 1 марта жаҳон чемпиони.

4). Тунис — 2 та жаҳон чемпионати қатнашчиси.

**«Н» гуруҳи**

1). Аргентина — 11 та жаҳон чемпионати қатнашчиси, 2 карра жаҳон чемпиони.

2). Хорватия — жаҳон чемпионатларида қатнашмаган.

3). Ямайка — жаҳон чемпионатларида қатнашмаган.

4). Япония — жаҳон чемпионатларида қатнашмаган.

## АСОСИЙ ЎЙИНЛАР ВАҚТИ

***Жаҳон чемпионатида иштирок этадиган жамоалар ғолибни аниқлаш учун 64 марта яшил майдонга тушишади. Қуйида чемпионатнинг ҳал қилувчи ўйинлари қачон ўтказилишини маълум қиламиз.***

- 10 июнь, чоршанба: Бразилия — Шотландия беллашуви билан жаҳон чемпионати бошланади.
- 3 июль, жума ва 4 июль, шанба кунлари чорак финал баҳслари бўлиб ўтади.
- 7 июль, шанба ва 8 июль, чоршанба кунлари ярим финал ўйинлари ўтказилади.
- Ва ниҳоят — 12 июль, якшанба куни ўтказиладиган ўйиндан сўнг асримизнинг жаҳон чемпиони аниқланади.

*Футбол бўйича XVI жаҳон чемпионати баҳслари бошланишига бағишланган материалларни Дилшод ИСМОИЛОВ ва Очил ҲАЗРАТОВ тайёрлашди.*

*Ниҳол*

## ХЎРОЗ ҚИЧҚИРИҒИ

**(Эртак)**

Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда бир жуда шўх хўроз бўлган экан. Эрталабдан кечгача пастдан юқорига, юқоридан пастга сакрар экан. Бир куни хўроз ўйнаб юрса, оёғига тикан кирибди. Оғриқнинг зўридан додлаб юборибди. Тиканни олиб ташлашга ҳаракат қилибди, лекин ололмабди. Чўлоқланиб-чўлоқланиб йўлга тушибди. Йўлда бир кампирни кўрибди. У тандирнинг ёнида нон ёпишга ҳозирлик кўраётган экан, аммо тандирни қиздиришга ўтин тополмабди.

Хўроз кампирга яқин келиб, дебди:

— Эй кампир! Оёғимга тикан кирди. Уни олиб ташла ва у билан тандирингни қиздир.

Кампир тиканни олиб, тандирга ташлабди. Тандирни қиздириб, нон ёпибди.

Нон ёпилгач, хўроз дебди:

— Эй кампир! Тиканимни қайтариб бер, менга керак бўлиб қолди.

— У билан тандир қиздирдим. Нон ёпдим. Ахир тикан ёниб кетди-ку!

— Ёнган бўлсанг, ёпибсан! Тиканимни қайтариб бер, ё у ёнингдан учаман, ё бу ёнингдан учаман, нонингни олиб қочаман.

Хўроз кампирнинг битта нонини олиб қочибди. Йўлда чўпонни учратибди. Чўпон дарахт тагида ўтириб сут ичмоқчи бўлиб турган экан.

— Сутни ёлғиз ичмайдилар. Нон билан ичиш керак. Нон мендан, сут сендан, — дебди хўроз.

— Яхши! — дебди чўпон. Хўроздан нонни олиб, сутнинг ичига майда қилиб тўғрабди. Сут ичишиб, нонлардан еб ухлаб қолишибди. Уйғонишгач хўроз дебди:

— Эй чўпон! Нонни қайтариб бер, ҳозир егим келаяпти.

— Ўзинг бердинг-ку! Ахир уни еб қўйдик, — дебди чўпон.

— Еган бўлсак, ебмиз. Нонимни бер, ё у ёнингдан учаман, ё бу ёнингдан учаман, қўйингни олиб қочаман, — дебди хўроз. Хўроз у ёнидан учиб, бу ёнидан учиб, битта семиз қўйни олиб қочибди. Бир қишлоққа етибди. Қишлоқда бир бой ўғил уйлантираётган экан. Меҳмонлар жуда кўп бўлиб, уларга ит сўйишибди. Шунда хўроз дебди:

— Тўйга ҳам ит сўйиладими?

— Қўй тополмадим, — дебди бой.

— Қўй мендан, пишириш сендан, — дебди хўроз. Қўйни сўйишиб, яхши таомлар тайёрлаб, меҳмонларга тарқатишибди.

Тўй тугагач хўроз бойга қараб дебди:

— Қўйимни қайтариб бер. Бўлмаса ё у ёнингдан учаман, ё бу ёнингдан учаман, келинни олиб қочаман.

Хўроз у тарафдан учиб, бу тарафдан учиб, келинни олиб қочибди. Кейин ноғорачининг ёнига келибди. Келинни ноғорага алиштирибди. Кейин дуторчини кўрибди. Ноғорани дуторга алмаштирибди. Дуторни чертиб, қўшиқ куйлабди:

***Тикан бердим,***
***нон олдим,***
***Нонни бериб,***
***қўй олдим.***
***Қўйга яхши***
***қиз олдим,***
***Қизни бериб,***
***дап олдим,***
***Дапга дутор олдим.***

Шу кундан бошлаб хўроз ҳар куни дутор чалиб, қўшиқ айтар экан. Хўрознинг овози эшитиларкану, дутор овози эшитилмас экан.

*Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.*

**Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ШИФОБАХШ БУЛОҚ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

1998 йил 27 июнь шанба куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар Ҳ. Асомов кўчасидаги Жамият биносида 1997 йил якунлари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 12.00 да бошланади.

**Кун тартибидаги масалалар:**

*1. Корхонанинг 1997 йил молиявий-хўжалик якуни, аудитор текшируви якуни, тафтиш комиссияси хулосаси.*

*2. Бошқарув, Кузатув ва Тафтиш кенгаши аъзолари рўйхатига ўзгартиш киритиш.*

*3. Янги матндаги Низомни қабул қилиш.*

*4. Бошқарув, Кузатув ва Тафтиш кенгашлари Низомини қабул қилиш.*

Акциядорлар ўзлари билан паспорт ва сертификат олиб келишлари шарт.

**Кузатув Кенгаши**

**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Кабель иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан **1998 йилнинг 11 июнидан 19 июнигача** Кичик Бешёғоч кўчасидаги 202, 204, 2-Кичик Бешёғоч тор кўчаси, 1-Кичик Бешёғоч тор кўчаси, Каманин, Дашнобод, Элтузар, Мирзо Жаҳонгир кўчалари, 1- ва 2-Жаҳонгир тор кўчаларида истиқомат қилувчи 54/55-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.***

Тошкент шаҳридаги 1-мактаб томонидан 1996 йили Наргиза Рахматовна Ризаматова номига берилган № 079010 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Тошкент оқшоми — Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-085. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6. ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.